

Биз туркистонлиларга газета ўқимок у кадар расм ва таомил эмас. Агар газета ўқимокнинг манфаатини билса эдук, ёки газета ўқиб маъносига тушунса эдук, хатто бир нафас ўлсун газета мутолаасидин воз кечмас эдук.

Газета ўқимок у кадар лаззатли шайдурки, бунинг лаззатини факат калам ила тасвир килиб бўлмас.

Лекин газета ўқиб лаззат топмок учун тарих ва жугрофиядан хабардор бўлмок керак. Чунончи, бу кунцаги Туркия ила Италиё сўгушига мутааллук хабарларни ўқиб англамок учун бу икки давлатнинг, филжумла жугрофияси ила тарихини билиб, мавкеъи мухораба харитасини кўз олдига тутмок керак. Шундай бўлмагон холда газета ўқувчи ўқиган хабарларидин истифода эта олмайдур. Бизнинг халк аксарият ила газета ўқумайлар. Газета ўқувчиларидан хам ўн нафаридан тўккизи газетадан лозим даражада истифода кила олмайдур. Чунки тарих ва жугрофиядан озгина ўлсун хабари йўк. Хатто ўз баладасини жугрофиясини хам билмас.

Билмок керакким, газеталарни яхши ва истифодалиси ўлдиги каби истифодасизлиги хам бўлур. Шунинг учун газета ўқувчи бул хусусда диққат ила газета интихоб килмоги керак.

Бир давлат ёки бир миллатни маориф ва саноиъ тўғрусинда на даражада эдикини билмокчи бўлсангиз, жугрофия ва газета воситаси ила билурсиз.

Хулоса, жугрофия ва газета бир оинаи жахоннамодурки, тамом харакат ва ахволи ахли илм буларнинг воситасила билиниб турадур. Буларни ва тарихни ўқуган киши бир миллатнинг тараккийси ва ё инкирози налар ила ўлажагини камокона билур.

Ва бундин сўнг дин ва миллатни яхши кўратурган бўлса, тараккийси учун мумкин кадар хар бир чорая ташбиш эдар.

Бизнинг Туркистонга эса хатто бир дона ўлсун миллий газета йўқдур. Бизнинг хаётсизлигимиз ва хам маорифи замон ва саноиъи жадидадан бутун бебахра ўлдугимиз шул бир дона миллий газетая молик ўлмадигимиз далил бўлса керак. То бир миллий газетая молик бўлгунча, биз ушбу «Туркистон» газетасига маколаларимизни юбориб турармиз.

Хар ким хар на деса десун, биз ўз маслакимизда хидмат эдармиз.

Маколаларимизни газетига дарж этдики учун сохибидин хам миннатдормиз.

*«Туркистон вилоятининг газети»,*

*1911 йил, 24 ноябрь*